

“РАВЗАТ УШ-ШУҲАДО” ДОСТОНИДА ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

ЖДПИ ф.ф.н.С.Сойипов

Аннотация

Мақолада Собир Сайқалининг “Равзат уш-шуҳадо” достонида шеърий санъатларнинг қўлланиши ҳақида қисқача таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ҳаёт, руҳият, тарих, маънавият, моҳият, давр, мисра, шеър, дoston.

Аннотации

В статье дается краткий анализ использования поэтического искусства в повести Сабир Сайкали «Равзат уш-шуҳадо».

Ключевые слова: жизнь, дух, история, духовность, сущность, период, стих, стихотворение, рассказ.

Annotation

The article gives a brief analysis of the use of poetic art in the story "Ravzat ush-shuhado" by Sabir Saikali.

Keywords: life, spirit, history, spirituality, essence, period, verse, poem, story.

Собир Сайқалий ислом дунёси тарихи ва буюк сиймолар ҳаётини ранг-баранг адабий воқеликка айлантирган салоҳиятли ижодкордир. У инсоний кечинмаларни ўзининг “Равзат уш-шуҳадо” достонида маълум тарихий давр ва буюк зотлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда баён этиб, қаҳрамонлар руҳияти, характер ва маънавий оламини бадиий инъикос эттирган. Шундай муайян воқеа ва ҳодиса моҳиятини ўқувчи туйғуларига чуқур таъсир этадиган, эстетик завқ уйғотадиган даражада тақдим этиш шоирдан катта тажриба ва маҳорат талаб қилади. Собир Сайқалий ижодини миллий адабиётимизнинг барҳаёт манбаига айлантирган куч унинг поэтик маҳорати, бадиий воситалардан усталик билан фойдаланишидир. Шоир

асарда моҳиятни теран ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос поэтик шакл тузилишини қўллашга эриша олган. Ижодкор дostonда тил бойликларидан ҳамда вазн, қофия, радиф сингари шеърӣ унсурлардан унумли истифода этиш орқали асар ғоясини ўқувчи ҳис-туйғуларига, руҳиятига етказиш усуллари топа олган. Санъаткорнинг асар ғоявий йўналиши ва сюжетини ёрқин ифодалашда ана шу омилларнинг ўрни бекиёсдир.

Собир Сайқалий қисса мазмуни ва шакли масаласига алоҳида эътибор бериб, асар кириш қисмида шундай мисраларни битади:

Амаллар ҳирқати дилдин завойид,
Қилиб барҳам фароҳамға фавойид.
Ки айла толейи ахтарин феруз,
Берибон шавқу завқ дард ила сўз.
Маоний моҳина дилҳола айла,
Хаёлим гардишин пиргола айла.
Замирим соф қил, чун офтоби,
Бир оти берки, назм айлай китоби¹.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Собир Сайқалий бу асар ўқувчи кўнглида завқ уйғотиб, унда ифодаланган сўзларнинг мазмуни бой маънолари дилни ёритишга хизмат қилишини истади. Шунингдек, муаллиф бу асар ўқувчи қалбида муҳаббат учқунлари уйғотишини тилади. Асардан кўзланган асосий мақсад инсон кўнглида ҳақиқий ишқ, муҳаббат туйғуларини уйғотиш бўлгани кўриниб турибди:

Қаро тошға мурувват пурбаҳо қил,
Муҳаббат булбулин соҳиб наво қил¹.

Собир Сайқалийнинг асар ёзишдан кўзлаган мақсадларидан яна бири ислом тарихига оид манбалардан ҳақиқатга яқин ривоятларни саралаб, уларни туркий назмда баён этишдан иборат бўлган. Шоир ижодкор қалами

¹ Собир Сайқалий Ҳисорий. Равзат уш-шуҳадо. Т.: Мовароуннаҳр, 2004 (Нашрга тайёрловчи. Сайфиддин Сайфуллоҳ, Довуд Хунзикар). 6-бет. Бундан кейин ушбу адабиёт “Равзат уш-шуҳадо” шаклида берилади.

¹ “Равзат уш-шуҳадо”, 5-бет

ҳақиқатгўй, самимий ва халқ хизмати учун қаратилган бўлмоғи кераклигини алоҳида мисралар орқали таъкидлайди:

Бу сўзлар охири кўргил қиссадин,
Ки ғофил бўлма ўтган ҳар нафасдин.
Камина хуша чинлиғ бирла акнун,
Териб тор хиёла дурри макнун.
Олибон қиссалардин боб боби,
Ке турко назм қилсам бир китоби.
Охирида Ҳусайнни ҳасби холин,
Баён этсаму ўтган моҳи солин.
Ўқуғон бандалар дил риш бўлғай,
Ки то сўзу гудози беш бўлғай².

Демак, Собир Сайқалий қарашича, мазмун шакл билан мутаносиб бўлмоғи, шакл асосан мазмунга хизмат қилиши ва айtilган сўз ўқувчи дилида муҳаббат учқунларини уйғота олиши зарур. Шоир ўз достонида ана шу омилларга қатъий риоя қилган ҳолда чуқур мазмунли, гўзал бадий шаклда ифодаланган асарни яратишга муваффақ бўлган.

Шоирнинг бадий маҳорати асосан унинг сўзларни моҳирона қўллаши ва шеърий санъатлар воситасида воқеликни теран, мазмунли бадий лавҳалар воситасида тасвирлаганлигида ёрқинроқ намоён бўлади. Собир Сайқалий асаридан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, асарнинг Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом тарихига бағишланган боби кириш қисмида шоир ўз қавмини ҳақ йўлга даъват қилган вақтдаги ички кечинмаларини талмех, тазод, ташхис, таносуб сингари шеърий санъатларни моҳирона қўллаган ҳолда таъсирчан ифодалайди. Натижада, ўқувчининг эстетик завқини уйғотишга хизмат қила оладиган юксак бадий даражадаги назмий мисралар яратилган:

Кел эмди Сайқалий айла ривоят,
Паямбардин истаб истеонат.

² “Равзат уш-шухадо”, 16-бет

Нечук ўтти жаҳондин анбиёлар,
Худо солди аларға кўп балолар.
Эшитинг эмди сўз Нуҳи набийдин,
На кунлар кўрди ул пиру сабийдин.
Ки тўққиз юз эллик йил у сарвар,
Балони қавмидин кўп кўрди, як сар.
Деюрлар токи уч қарн ўтти ул қавм,
Ки дават айлар эди Нуҳ ҳар явм.
Дер эрдик, худони бир билинглар,
Бу ботил бутларингдин айрилинглар.
Алар гуш айламас эрди, бу дават,
Анга бўлмас эрдилар, ҳаргиз уммат.
Тутардилар келиб ул пирни тошқа,
Бўлурди устихонлар бошқа-бошқа.
Келиб анда жойдинки, турарди.
Тутар эрди, яна амр худодин,
Қилурди қавмига қавмига ҳар кун нидони¹.

Ушбу шеърий лавҳада шоир, энг аввало, бу жаҳондан кўп пайғамбарлар ўтганлиги ва улар инсонларни Ҳақ йўли-ислом динига даъват қилганликларини баён қилади. Иккинчидан эса, Оллоҳ таъолонинг элчилари бу амрни бажариш йўлида кўп азоб-уқубатларга дучор бўлганликларига алоҳида урғу беради. Мана шу мазмунни кучайтириш ва ўқувчининг диққат-эътиборини мавзу моҳиятига қаратиш мақсадида шоир шеърий санъатлардан, поэтик унсурлардан унумли фойдаланади. Юқоридаги мисолда шоир энг аввало пайғамбарлар Оллоҳ таъолонинг кўп синовларига дуч қилингани ҳақидаги фикр таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида айрим шу маънони ташувчи сўзларни қайта-қайта такрорлаб илтизом санъатини қўллайди. Юқоридаги мисолда «бало» сўзининг такрори ана шунга хизмат қилган.

¹ “Равзат уш-шухадо”, 12-бет

Шундай қилиб, Сайқалий бу келтирилган иқтибосда қўлланилган шеърий санъатлар орқали асарнинг бадиий жозибасини оширишга ҳаракат қилади. Натижада, асарда дин тарихига оид зоҳиран барчага маълумдек кўринган ҳақиқатлар оҳорли мазмун касб этади.

Умуман, шоир ижодининг ютуғи қиссанинг ғоявий юксаклиги ва бадиий жиҳатдан гўзаллигини таъминлашда, шеърий санъатларнинг ранг-баранг турларидан унумли фойдаланганлигида яққол намоён бўлади. Собир Сайқалий қисса қаҳрамонларининг ташқи ва ички қиёфаларини ёрқин тасвирлашда шеърий санъатларнинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиши натижасида асар сюжетини теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлиги асосига қуради. Асар композицион қурумнинг пухталигига эришади. Натижада асар қизиқиш ва мароқ билан ўқилади. Мана шу омиллар асарнинг бетакрорлиги ва ўзига хослигини таъминлаган.

Шунингдек, Собир Сайқалий асарда “билимлар учлиги” – илми бадеъ, илми аруз, илми қофия уйғунлиги орқали теран мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодалашга, асар ғоявий йўналиши ва сюжетининг бетакрор поэтик талқинни яратишга эриша олган.

Бундан ташқари яна талмеҳ, тазод, ташхис, таносуб, илтизом, тасбиъ, ийҳом, ирсол ул-масал, ҳусни таълил, тарди акс, истиора сингари шеърий санъатлардан маҳорат билан фойдаланган. Бу бадиий санъатлар асарда чуқур мазмун ва поэтик жозоба уйғунлигига эришишни таъминлаган.